

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДГА ФУҚАРОЛАР ВА ЮРИДИК ШАХСЛарНИНГ МУРОЖААТ ҚИЛИШИ

Агар қонун фуқаролар ва юридик шахсларнинг фикрича, уларнинг конституциявий хукуқлари ва эркинликларини бузатган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг [Конституциясига](#) мувофиқ келмаса ҳамда судда кўрилиши тугалланган майян ишда қўлланилган бўлса ва судда химоя қилишнинг барча бошқа воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, улар қонуннинг [Конституцияга](#) мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат этишга ҳақлидир.



Конституциявий шикоят нима?

Фуқаро ёки юридик шахснинг конституциявий хукуқ ва эркинликларини бузатган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текширишни сўраб Конституциявий судга килган мурожаати.

Ким мурожаат қилиши мумкин: Фуқаролар ва юридик шахслар.

Мурожаат мақсади: Қонунни (**ёки унинг бир қисмини**) Ўзбекистон Республикасининг [Конституциясига](#) мувофиқлигини аниқлаш.

Мурожаат шакли: Ёзма ёки электрон шаклда.

Конституциявий суд манзили: 100163, Тошкент шаҳри, И.Каримов кўчаси 43, info@ksu.uz

ФУҚАРОЛАР ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИДА:

1. Фуқаро ва юридик шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, манзили ёки жойлашув жойининг тўлиқ номи, шунингдек агар мавжуд бўлса алоқа воситаларининг рақами, электрон почта манзили.
2. Ишни судда кўриб чиқилгандаги ва суд химоясининг барча шакилларидан фойдаланганлигини тўғрисида асос (умумий юрисдикция судларининг қарорлари).
3. Қонуннинг тегишли нормаси қўлланилган якуний суд қарорининг қисқача мазмуни.
4. [Конституцияга](#) мувофиқлигини текшириш керак бўлган қонуннинг аниқ нормаси ва Конституциянинг аниқ нормаси.
5. Конституцияда мустаҳкамланган инсон хукукларидан қайси бири, мурожаат қилувчининг фикрича қонунни қўллаш натижасида бузилганлигини, қонуннинг (**ёки бир унинг қисмини**) Конституцияга номувофиқлигини асослаш.
6. Конституциявий шикоятга хавола қилинаётган хужжатлар ва материалларнинг нусхалари.
7. Илова қилинаётган хужжатлар рўйхати.

Мурожаатга қўйидагилар илова қилинади:

- текширилиши лозим бўлган қонун нормасининг матни;
- шахсни тасдиқловчи хужжат, шунингдек шахснинг Конституциявий судда вакил сифатида иштирок этиш хукукини тасдиқловчи хужжатларнинг кўчирма нусхалари.

Мурожаатга суд маъжисига чақирилиши тақлиф қилинаётган гувоҳлар, эксперталар ва мутахассисларнинг рўйхати, суд қарорларининг кўчирма нусхалари, шунингдек бошқа хужжатлар ҳамда материаллар илова қилинishi мумкин.

МУРОЖААТ БЕРИШ МУДДАТИ:

Конституциявий хукуқ ва эркинликлари майян ишда қўлланилган ва Ўзбекистон Республикасининг [Конституциясига](#) мувофиқ бўлмаган қонунда бузилган деб хисобловчи фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг шикоятлари, агар судда химоя қилишнинг барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда ишни кўриб чикиш тутаган қундан эътиборан **бир йилдан кечиктирмай** берилади.

!!! Конституциявий шикоят фақат қонун ёки унинг қисмини Конституцияга мувофиқлиги юзасидан берилади. Қонуности хужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги конституциявий шикоят кўриб чиқилмайди.

Фуқаролар ва юридик шахслар қонуности хужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ҳамда Конституция ва қонунларга шарҳ бериш масаласи юзасидан қонунда белгиланган ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслари орқали Конституциявий судга мурожаат қилиши мумкин.